



ТЕХНИК ТОПШИРИК

Тўрткўл тумани Камалак кўчасини 0-1,090 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари буйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати
1	Ташаббускор номи	Тўрткўл тумани Ободанлаштириш бошқармаси
2	Лойиҳани танлашга жойлаштиришга асос бўладиган хужжат	Тўрткўл тумани «Менинг йулим» дастури
3	Ташаббускор жойлашган жойи	Тўрткўл тумани Дўстлик МФЙ
4	Энг яхши таклифларни танлаш тури	Электрон
5	Молиялаштириш манбаси	Туман «Менинг йулим» маблағлари ҳисобидан
6	Тўрткўл тумани Камалак кўчасини 0-1,090км қисмини жорий таъмирлаш ишлари буйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	Тўрткўл тумани Камалак кўчасини 0-1,090 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари буйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш учун нуксонлар кайдномаси, техник топшириқлар илова қилинади, Махсус электрон порталга жойлаштирилади
7	Буюртмачи жойлашган манзил	Тўрткўл тумани Тўрткўл кўчаси 55
8	Буюртмачининг мақсад ва вазифалари	Тўрткўл тумани Камалак кўчасини 0-1,090 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари буйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш
9	Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш учун манзил	Махсус электрон портал http://etender.uzex.uz
10	Таклифларни амалга ошириш муддати	http://etender.uzex.uz сайтда эълон қилинган кундан бошлаб 7 кун
11	Танлаш (конкурс) таклифларни қабул қилиш манзили ва вақти	Таклифларни қабул қилиш муддатининг охириги куни http://etender.uzex.uz сайтда кўрсатилган
12	Танлаш (конкурс)	Ўзбекча
13	Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар	1. Иштирокчи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар буйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот (солиқ инспекцияси кайдномаси) 2. Белгиланган кафолат суммасини биржа ҳисоб рақамига ўтказиш 3. Шунга ўхшаш охириги 3 йил ичида бажарилган ишлар буйича маълумотлар 4. Ҳақиқатда ишлаётган (дойимий ишлар рўйхати) 5. Мавжуд техникалар сони балансадаги 6. Ҳисоб рақамида 20 фоиз айланма

		<p>маблағ борлиги тўғрисида маълумотнома (банк маълумотномаси)</p> <p>7. Юридик шахсни руйхатдан ўтказганлик тўғрисида гувоҳнома</p> <p>8. Қурилиш объектини жойига бориб ўрганиш.</p> <p>9. бюртмачи ҳисобига 3% закат пули ўтказиши шарт</p>
14	Ўтказиб туриш бўйича талаблар	<p>Иштирокчи талаб қилинадиган талаблар бўйича (бажарилаган ишлар, хизматлар) барча бандлари бўйича ишларни ўз вақтида сифатли бажариши керак. Иштирокчи қилинган ишлар бўйича бюртмачига ҳисобот тақдим этиши лозим.</p>
15	Товар (иш, хизмат)ларни ўтказиб бериш (ишни бажариш) муддати	10 банк иш куни
16	Бюртмачининг лойиҳа сметаси бўйича бошланғич баҳоси	16 545 776 сўм
17	Лойиҳани молиялаштириш	Олдиндан 30 фоиз аванс қолган маблағ бажарилган иш далолатномасига асосан тўлаб берилади (форма2)
18	Бирламчи ҳужжатлар руйхати	Техник ҳужжатлар, бажарилган ишлар, лойиҳа смета ишҳажми
19	Контракт валютаси	Сўм
20	Маълумот учун телефон	+998 97 220 27 48

ТАСДИҚЛАЙМАН
Турткул тумани Ободанлаштириш
бошқармаси бошлиги
А.Юсупов



ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ҲУЖЖАТЛАРИ

Туртқул тумани Камалак кўчасини 0-1,090 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари буйича
лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш

Заказчик: ҚР Турткул тумани Ободанлаштириш бошқармаси

Турткул – 2022 г.

ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Енг яхши таклифларни танглаш предмети: Тўрткўл тумани Камалак кўчасини 0-1,090 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш

Тўрткўл тумани Тўрткўл кучаси 55

1.2. Енг яхши таклифларни танглаш қиймати 16 545 776 (Ун олти миллион беш юз қирк беш минг етти юз етмиш олти) сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 банк иш куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Тўрткўл тумани Ободанлаштириш бошқармаси (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади)-танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Тўрткўл тумани Тўрткўл кучаси 55 уй

Эл.адрес:

2.2. Енг яхши таклифларни танглаш “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Енг яхши таклифларни танглаш Чимбой тумани Ободанлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Енг яхши таклифларни танглаш мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибасига эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

енг яхши таклифларни танглаш объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми

(50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

енг яхши таклифларни танглашда иштирок этиш учун бюртмачи ҳисобига 3% закат пули утказиши шарт

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар енг яхши таклифларни танглаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасидатурганлар;

мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (<http://etender.uzex.uz>) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2 Енг яхши таклифларни танглаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи ” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорт ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади)

4.4 Енг яхши таклифларни танглаш иштирокчиси

- фақат бита таклиф бериши мумкин

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақийқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлди

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

5.3 Енг яхши таклифларни танглаш иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларнинг ҳақийқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилаган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси енг яхши таклифларни танглаш хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида Енг яхши таклифларни танглашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тўғайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартириш киритилган санадан эътиборан камида ўн кўнга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълон кўрсатилган ахборот ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2 Енг яхши таклифларни танглаш иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларни танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов

ҳужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кўндан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Енг яхши таклифларни танглашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Енг яхши таклифларни танглаш натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.